

Аллоҳ таоло самолётни ортга қайтарди



15:00 / 03.07.2022 7683

Ҳаж мавсумига отланган жазоирлик 200 нафардан ортиқ бўлажак ҳожилар самолётга чиқиб ўз жойларини эгаллашди, ҳамма жойлашиб бўлгач самолёт Макка шаҳри сари учиб кетди. Фақатгина жазоирлик бир аёл аэропортда бир ўзи йиғлаб ўтирарди. Чунки у чиқиши керак бўлган самолёт Маккага учиб кетган эди. Аэропорт ходимлари, учувчилар ва бошқа мутасаддилар онахонни эсдан чиқарди, аммо Аллоҳ таоло у аёлни унутмади. Аёл йиғлаган ҳолда Аллоҳга нола қилди. Аллоҳ таоло ожизанинг илтижоларини эшитиб, дуосини ижобат этди. Йўлнинг ўртасига етган самолёт учувчиси қандайдир шовқинни эшитди. Ўзича самолётда бирор носозлик юз берди деб ўйлади ва самолётни ортга қайтаришга, Жазоир аэропортига қўндиришга мажбур бўлди. Самолёт аэропортга қўндирилгач, ундаги бача йўловчилар туширилди, аэропорт хавфсизлик хизмат ходимлари йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат

қилдилар. Самолётдан қолиб кетган воқеамиз қаҳрамони ўзлари учмоқчи бўлган самолёт қайтиб келганини, бирга ҳамсафар бўлиши керак бўлган йўловчилар кўз олдларида турганини кўрганда қандай аҳволга тушди экан.

Муҳандислар самолётни техник кўрикдан ўтказиб, шовқин қаердан келганини аниқлашга уриндилар. Носозликни аниқлашга қаратилган барча уринишлар бесамар кетди, ҳеч қандай муаммо кузатилмади. Хўш, у ҳолда учувчининг қулоғига эшитилган овоз ниманинг овози экан?! Албатта, бу онахоннинг қалбидан чиққан нолалари, Аллоҳга қилган илтижоларининг самарасидир. Ҳа, Аллоҳ таоло бир ожиза бандасининг дуосини ижобат қилиб, у чиқиши керак бўлган самолётни йўлнинг ўртасидан ортга қайтарган эди. Аллоҳ таоло ожиза бандасининг кўз ёшларини ижобат қилиб 200 дан ортиқ йўловчи олиб кетаётган самолётни онахоннинг олдига олиб келиб қўйган эди. Аэропортнинг муҳандислари, хавфсизлик хизмати ходимлари ва бошқалар онахоннинг иймониغا, таваккулига, мақомига ҳамда дуосининг тез ижобат бўлганига лол қолдилар. Дарҳақиқат, ҳажга кетаётган онахоннинг кўзидан томган ёши қандай томчи эканки, Роббул олабийн бу томчини қабул этди. Онахоннинг қалбидаги иймон қандай мустаҳкам иймон экан?! Онахоннинг Аллоҳнинг даргоҳига кўтарган кафтлари қандай кафт экан?!

Хулоса шуки, бутун олам сиздан юз ўгирса ҳам, эшигини беркитиб олса ҳам, сиздан юз ўгирмайдиган, эшигини ҳеч қачон беркитмайдиган Аллоҳ таоло бор. Дуо ҳалиям ўз кучида турибди. Аллоҳ таоло ҳамиша дуо қилувчи бандасининг дуосини, илтижосини қабул қилаверади. Шундай экан, сўрасак ёмон кўрадиган бандалардан эмас, балки сўрамасак ғазаб қиладиган, сўрасак рози бўладиган Роббимиздан сўрайлик! Аллоҳ таоло барчамизни ихлос билан дуо қиладиган бандалардан айласин.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Яҳё Юнус тайёрлади